

# Олимлар ҳавони аммиакга айлантириш усулини ишлаб чиқишди

// 03.01.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/olimlar-havoni-ammiakga-aylantirish-usulini-ishlab-chiqishdi>



Стенфорд университети ва қирол Фаҳд нефт ва минераллар университети тадқиқотчилари шамол энергиясидан фойдаланган ҳолда ҳаводан тоъғъридан-тоъғъри аммиак ишлаб чиқарадиган инновацион қурилмани ишлаб чиқишди.

Тадқиқотчиларнинг соъзларига коъра, дунёдаги энергиянинг катта қисмини истеъмол қиладиган ва карбонат ангидрид гази ташламаларига сабаб боъладиган Хабер-Бош жараёнини алмаштиришга қаратилган мазкур янги технология қишлоқ хоъжалиги амалиётида инқилоб қилиши ва атроф-муҳитга таъсирини чеклаши мумкин.

Қурилманинг механизми шундаки, ҳаво намлик, шамол тезлиги ва атмосфера таркиби каби атроф-муҳит шароитлари учун оптималлаштирилган махсус катализаторлар билан қопланган тор орқали чиқарилади.

Темир оксиди ҳамда фтор ва олтингугуртга бой кислотали полимерларнинг бирикмаларини оъз ичига олган катализаторлар хона ҳароратида ва атмосфера босимида аммиак ишлаб чиқаришни рағъбатлантиради ва шу билан ташқи энергия манбаларига эҳтиёж қолдирмайди.

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**